

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!



Ishonch

2016-yil
19-iyul,
seshanba

№ 85
(3746)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Халқаро ярмарка

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлар намоёиши



ТОШКЕНТДА 12-16 ИЮЛ КУНЛАРИ
БЎЛИБ ЎТГАН I ХАЛҚАРО
МЕВА-САБЗАВОТ ЯРМАРКАСИ
МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИШЛАБ
ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ХОРИЖЛИК
ШЕРИКЛАРИ ДОИРАСИНИ
КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ

«Ўзбекизоқвақтхолдинг» холдинг компанияси маълумотларига кўра, ярмарка якунлари бўйича қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 270 та шартнома имзоланган. Экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг 27 фоизини сабзавотлар, 25 фоизини узум, 20 фоизини мевалар, 17,6 фоизини қуртилган ва қайта ишланган маҳсулотлар, 8,4 фоизини дуккакли маҳсулотлар, 2 фоизини қовун ташкил қилди.

Халқаро ярмаркада хўл ва қуруқ мевалар, цитруслар, сабзавотлар, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқлар, зирavorлар, ичимликлар, қадоклаш технологиялари, совутиш ускуналари, транспорт ва логистикага оид кўплаб бўлимлар ишлади. Ўзбекистон мева-сабзавотчилик соҳаси вакиллари-нинг маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 170 дан ортиқ компания экспозицияларида кенг ўрин эгаллади.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида АҚШ, Буюк Британия, Бирлаш-



ган Араб Амириклари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркменистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби мамлакатлардан уч юздан зиёд ишбилармон доиралар вакиллари катнашгани чет эл ишлаб чиқарувчилари ҳамда савдо компанияларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдорлигини яна бир бор исботлади.



Хорижлик иштирокчиларнинг фикрича, бундай самарали ҳамкорлик мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити туфайли изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда турли соҳалар қатори аграр соҳада фаолият кўрсатаётган чет эллик инвестор ва шериклар учун қатор солиқ ва божхона имтиёзлари, бошқа преференциялар жорий этилган бўлиб, бу уларнинг мамлакатимизда муваффақиятли бизнес

юретишига қулайлик яратаётди.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг ўтказилиши Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари, айниқса, ҳудудларда жойлашган корхоналарга мева-сабзавот маҳсулотларининг хорижлик истеъмолчилари билан бевосита ҳамкорлик ўрнатиш ва уларни жаҳон бозорларига янада кўпроқ олиб чиқиш учун қулай шарт-шароит яратмоқда.

»(2).

Ким эдигу ким бўлдик?

Биз тарихан қисқа даврда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз учун фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида улкан ютуқларни кўлга киритдик. Мустақилликнинг дастлабки йиллари — ўта оғир ва хатарли бир замонда турли хом хайллардан воз кечиб, чуқур ўйланган ривожланиш стратегияси қатий белгилаб олинганлиги тарихий ютуғимиз бўлди.

Фидойилик, ақлу заковат, мустақкам ирода

муваффақиятларимиз асоси
бўлиб хизмат қилмоқда

Юртбошимиз томонидан жорий йил 2 июнда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан, айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудда энг улғу ва энг азиз айёмни муносиб қутиб олиш ҳамда тантанали равишда нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, мазкур қутлуг санага бағишланган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган бош ғояни ўзда мужассам этиши кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, «Биз кеча ким эдигу бутун ким бўлдик, деган саволни ўзини билан билан тақдирлади.

Тарихга назар соладиган бўлсак, 1989-1990 йилларда бўғдой етиштирилди, 0,8 фоизда — картошка. Улкан майдонларни пахтазорлар эгаллаганди. Бироқ шундай оғир вазиятда ҳам Президентимизнинг қатий сий-ҳаракатлари натижасида 1989 йилнинг август ойида «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яққа тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-

шароитларни яратиб бериш ҳақида»ги қарор қабул қилинди. Унга кўра, икки йил ичида 1,5 миллион оиланинг томорқа хўжаликлари кенгайтирилди, 700 миң оилага ер участкалари ажратилди. Бу чора-тадбирлар ўша пайтда кескин тус олган ижтимоий вазиятни юмшатиш имконини берди. Аҳолининг даромад манбалари кўпайди, уй-жой масалалари ўз ечимини топиб, бандлик даражаси ўса бошлади.

Бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни кўлга киритиб, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, бутун дунёда «Ўзбек модели» деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганлигимиз бугунги кунда биз танлаган йўлнинг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, халқаро миқёсда катта нўфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланган бешта мамлакат қаторидан жой олгани, албатта, барчамизга мамнуният бағишлайди.

»(3).

Истиқлол шуқуҳи

Андижонда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» ширин остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Мустақилликнинг олтин саҳифалари

маданий-маърифий ўрашувларнинг бош мавзусига айланмоқда

Адабиёт, маданият ва санъат намоёндалари, таниқли спортчилар иштирокидаги дилдор сўхбатларда шу заминда яшаётган инсонларнинг бугунги ҳаётдан розилиги, эртанги кунга бўлган муштақам ишончи яна бир бор кўзга ташланди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини асосида ташкил этилган тадбирларнинг дастлабкиси Асака, Бўз ва Бадиқчи туманларида бўлиб ўтди. Асака туманининг Қадим қишлоғи аҳолиси билан учрашувлар, «GM-Uzbekiston» автомобил заводидида ишлаб чиқариш жараёни, мураккаб техникаларни бошқараётган ёшлар билан сўхбатларда 25 йил ичида кўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида фикр-мулоҳаза юритилди.

»(4).

«Энг яхши ишчи касб эгаси»

Иқтидор ва маҳорат намоёиши

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан «Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида «Энг яхши ишчи касб эгаси» танлови ўтказилмоқда.

Ишчи касбларни оммалаштириш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, уларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, энг яхши халқаро ишланмаларни касбий таълим тизимига татбиқ этиш учун замин яратиш мақсадида ташкил қилинган мазкур танловда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 25 ёшгача бўлган ишчи, мутахассислари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари қатнашапти.

Шу кунгача танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларида ўзлари фаолият юритаётган корхона, хизмат кўрсатиш шохобчалари, фермер хўжаликлари, қурилиш ташкилотлари, касб-хунар коллежларидаги юқори малака-

ли устозлар томонидан тавсия этилган 2,5 миң нафарга яқин ёшлар қатнашди. Ўқувчи ва ишчи-ходимлар пайвандлаш, қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш, қурилиш-пардозлаш ишлари, умумий қурилиш устаси, тикувчилик, тикув буюмлари ишлаб чиқариш, сартарошлик, косметология, ошпазлик каби кўплаб соҳаларда ўзлари эришган ютуқлар ва маҳоратини намоёиш этишди. Жараёнда ёшлар янги дўстлар орттириб, ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлишди.

Тошкент авиасозлик касб-хунар коллежидан танловнинг «Пайвандлаш ишлари (механик)» номинацияси

ғолиблари аниқланди. Унга кўра Ўзбекистон Металлургия комбинати АЖ газ-электр пайвандчиси Артём Олхоликов 1-Урганч касб-хунар коллежи битирувчиси Собиржон Рўзиметов 2-, Авто Теххизмат Тошкент ҳудудий АЖ пайвандчиси Шерали Жўраев 3-ўринини эгаллади. Ғолиблар қимматбахо совға ва диплом билан тақдирланди.

— Танлов ғолиби бўлганимдан бениҳоя хурсандман, — деди 1-ўрин соҳибари Артём Олхоликов. — Келгусида билим ҳамда кўникмаларимни янада муштақамлаб бориш ниятидаман. Биз ёшларга яратиб берилаётган улкан имконият ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга, танлов ташкилотчиларига ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Танловнинг «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механизми», «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси», «Умумқурилиш ишлари устаси», «Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техника-технология», «Ошпаз», «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси» номинациялари бўйича тадбирлар 19-21 июл кунлари бўлиб ўтади.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири

Репортаж

Янги масканда янгича муҳит

2016 — 2017 ўқув йили учун барча олий таълим муассасларида қабул жараёни давом этмоқда. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Тил ва адабиёт университети ҳам бугун абитуриентлар билан тўғри.

Ташриф асноси бу ерда абитуриентларнинг ҳужжат топширишлари учун яратилган қулай шароитлар ҳамда тузиб чиқилган мўайян режа асосида навбатсиз рўйхатга олиш тизими ташкил қилинганлигининг гувоҳи бўлди. Шунингдек, фарзандларини кузатиб келган ота-оналар учун ҳам барча қулайликлар мавжуд. Университет қабул комиссиясининг раиси Абдулхай Собировга юзланимиз: — Ғурур ва ифтихор билан айтиши-

миз лозимки, ушбу университет бугун нафақат Ўзбекистон, балки бошқа республика вакиллариининг ҳам диққат-эътиборида. Биринчи йилнинг ўзидеёқ қорақалпоқ, қозоқ, тожиқ, рус, корейс миллатига мансуб кўплаб абитуриентлар томонидан аризалар тушганлиги қувонарли ҳол, албатта. Шунинг ўзидеёқ сўз мулкунинг султони ҳазрат Алишер Навоийга ҳурмат ва ўзбек тилига бўлган юксак эътиборни ифодалади. Бир кунда ўртача 340 — 350 нафар аби-

туриент ҳужжати қабул қилиниб, ҳар бир йилгит-қиз билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, янги олийгоҳнинг талабаси бўлиш орузида бўлган абитуриентларнинг нигоҳларида шижоат ва ўзига бўлган ишончни кўриш мумкин. Миллийлик ва она тилимизга ҳурмат сифатида ташкил этилган ушбу зиё маскани илм истаб республиканинг турли нукталаридан ташриф буурган, ўзбек тили салмоғини янада бойитишга ўз хиссасини қўшиш орузидагилар учун кенг имкониятлар эшигини очди. — Аввало, юртимизда шундай олийгоҳ очилганидан мен унинг биринчи қалдирғочи бўлишим мумкинлигидан



бахтиёрман, — дейди абитуриент Муҳриддин Сайдумуродов. — Бу ерда ўзбек тили ва таржимачиликни ўрганиш билан бир қаторда ҳарбий кафедрада ўқиш имкониятининг мавжудлиги мени айнан ушбу олийгоҳ сари етаклади. — Неварам Феруза билан Хоразмдан ташриф буурдик, — дейди Бибаражаб ая Усмонова. — Бу ерда


ёшлар учун яратиб қўйилган имкониятларни кўриб кўз қувнайдим. Ҳис қилиб турибмизки, яратилган шароит, ўз навбатида, ёшларга ҳам илми ва зукко бўлиш йўлида янада катта масъулият юклайди.

Сулаймон ХАЙДАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Менга сўз беринг

Қалбларда истиқлол сурури

Баҳромжон ҲАМДАМОВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:



Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улуғ ва азиз байрамимиз — истиқлолимизнинг 25 йиллик тўйига яқинлаштирмоқда. Бундай файзли кунларда, албатта, ҳар биримиз яқин ва узоқ ўтмишга назар ташлашимиз, кундалик ҳаётимиздаги ўзгаришларни кўнгилдан ўтказамиз. Дўппини ерга қўйиб, фикр юритсак,

ўтган 25 йил давомида тараққиёт ва юксалиш пиллаполярларидан қанчалар тез кўтарилишимиз кўз ўнгимизда намоён бўлади. Юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик, қурилиш ишлари ҳар бир маҳалла, қишлоқ, шаҳар ва туман қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Энг муҳими, мана шу ўзгаришлар одамларнинг онгу тафаккурига, дунёқарашига ижобий таъсир қўсатди. Энди воқеа-ҳодисаларга янгича руҳ, янгича нафас билан қарайдиган бўлдик.

Бугун эл-юрт учун кўйиб-ёниб яшайман, ишлайман деган кишига барча имконият эшиклари очик. Мен бу оддий ҳақиқатни даярли ҳар кун тadbirkorлар билан бўлаётган мулоқотларимизда чуқур англаяпман. Аини пайтда тармоғимизда 760 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 49 минг 920 нафар аъзо бор. Бу катта куч ҳамда истиқлол неъматларидан ҳар дақиқада баҳра олиб, ғайрат-шижоатини йирик қурилишларга, ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга, савдо, сервис ва хизмат кўрсатиш йўналишларини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга хизмат қилаётганлиги билан фахрланаётган қатлам вакиллари.

Юртимиз ташаббуси билан кейинги йилларда давлат ва ҳукумат миқёсида тadbirkorлик йўналишида ўттиздан зиёд қарор, фармон ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигини ўзи эътибор ва эътирофнинг аққол тасдиғидир. Қонунда белгиланган тартиб-тамоилларга тўла риоя этилган, янгиланган ўч, ташаббускор кишилар тadbirkorлик субъектларига бош бўлаётганлиги ютуқлар омилдир.

Бинобарин, ишбилармонлар қатлами даврнинг, истиқлолнинг энг ишончли вакиллари, тараққийимизнинг таянчлари бўлиб майдонга чиқмоқда. Мана шунинг билан бизни янги марраларга чорлайди.

Одилжон НАСТИНОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:



Байрам олдида кўлга киритган ютуқларимизни бирма-бир кўз олдимга келтирар эканман, барча ютуқларга ўз хиссасини қўшган юртдошларимизга «рахмат» дегим келади. Зеро, барча ютуқлар замирида Ўзбекистон номини улуглаётган, шаънини юксалтираётган юртдошларимизнинг ғайрат-шижоати турганлигини ҳис этмоғимиз шарт.

Юртимизда самарали меҳнат учун шарт-шароит етарли: ютуқлар ҳам шунга яраша бўлаётди. Буни халқро кузатувчилар ҳам эътироф этишмоқда. Жумладан, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» мезони бўйича мамлакатимиз аини пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон сўнги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилиб, рейтингини 63 поғонага яхшилади.

Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда тadbirkorлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилди. Бу юртимиздаги фаолият учун яратилган шароитга муносиб баҳо.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014 — 2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016 — 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани ҳам кўп нарсани аниқлатади.

Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун берилган мукофоти сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

2015 йилда банк тизимини янада мустақамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаолигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир.

Фахр билан санаб ўтганларимиз, йигирма беш йил мобайнида эришилган ютуқлардан айрим лавҳалар холос. Тараққиёт сари ишонч билан қадам қўйиб борар эканмиз, бундан буён ҳам Ўзбекистон номи фақат ҳавас ва ҳайрат-латилга олинишига ишонамиз.

Райхон НОСИРОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:



Мустақиллигимизнинг қутлуғ 25 йиллик тўйи остонасида турибмиз. Тарихан қисқа, мазмунан беқиёс ушбу йиллар юртимиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Жонаҳон Ўзбекистонимизнинг дунёга юз тутиб, шаҳдам қадамлар ила барча соҳаларда мислсиз ютуқларга эришаётганлигидан ҳар бир ватандошимиз қалби гурур, ифтихорга тўлаётди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 5 мингга яқин жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Бу рақамлар нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият таркибининг муҳим бўғинига айланиб бораётганлигидан далолат беради. Улар орасидаги энг йирик ва оммавий ташкилот — касаба уюшмалари алоҳида ўрин тутади.

Касаба уюшмалари тизимида мустақиллик йилларидан олдин ҳам жамоатчилик асосида ишланган. Санаторийларга йўлланма берувчи ва Янги йил байрамида болалар учун совға ажратадиган, ноёб санат моллари харид қилиш учун меҳнаткашларни навбатга ёздагидан ташкилот эдик.

Истиқлол йилларида касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг мазмун ва моҳияти тубдан ўзгарди. Касаба уюшма аъзолари ҳақида ғамхўрлик, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, саломатлиги, оила-си, фарзандлари камоли учун ғамхўрлик, аҳолининг эҳтиёжман, ёрдамга муҳтож қатламни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш сезиларли даражада қўчайтирилди. Бу давр ташкилот учун изланиш, янги жамият кураётган ижтимоий кучлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзгариб бораётган шароитда янгича иш услубларини ҳаётга таъбиқ этиш даври бўлди. Касаба уюшма аъзоларининг ташкилотга бўлган ишончи орти.

Тизимда сошланғич ташкилотга эътибор қаратилиши натижасида барча қўйи бўғин ташкилотларининг самарали фаолияти йўлга қўйилди. «Энг намунали бошланғич ташкилот», «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» каби кўрик-танловлар, «Ўз касбининг моҳир эгалари» тadbirkorлари, касаба уюшма акциялари муассаса ва корхоналарда меҳнат самодорлиги ошишига, оилалар турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда.

Ташкилотимиз эл қорига яраб, инсонга наф келтириб, Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун хизмат қилаётганидан бахтиёрман.



Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлар намойиши

№1).

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар янада кенг қулоқ ёзаётгани ҳар қадамда сезилмоқда. Бунинг ярамка мисолида ҳам кўриш мумкин. Аиниқса, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларига берилаётган имтиёз ва имкониятлар муҳим аҳамият касб этаётди, — дейди Самарқанд туманидаги «Рустамов Александр» агрофирмаси директори Бахтиёр Холиқов. — Агрофирмамиз тасарруфиди 26 гектар ер бўлиб, шундан 15 гектари мевали боғ, қолган 11 гектари полиз ва сабзавот экин майдонларидир. Кўргазма давомида Россия Федерацияси ва Қозоғистон ишбилармон дора вакиллари билан мева ва сабзавот экспорти бўйича 5 млн. долларлик шартномалар имзолашга эришилди.

— Президентимиз раҳнамолигида фермер ва тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқларда санатини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди Жалақудук туманидаги «Dardga darmon pabovat» хусусий корхонаси раҳбари Яхё Якубов. — Фаолиятимизни 2011 йилда бошлаганимиз. Корхонамизда табиий гиёҳлардан тайёрланган шифобахш Стевия ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимизга ички бозорда талаб катта. Стевия ўсимлигидан тайёрланган чой қандли диабет билан оғриган беморлар саломатлигини тиклашда катта ёрдам беради. Шу билан бирга, қон айланшини яхшилайдди. Кўргазма давомида Стевия хорижий иштирокчиларни бефарқ қолдирмади. Аини пайтда россиялик ҳамкорлар билан маҳсулотни экспорт қилиш бўйича шартнома тузишга яқин турибмиз. Аҳамиятли жиҳати, ярмарка орқали маҳсулотларимизни нафақат республикамиз бозорларига, шу билан бирга, хориж бозорларига олиб чиқиш имконига эга бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган ушбу ярмарка мамлакатимиз ишбилармонлари ва чет эллик ҳамкорлар ўртасида музокаралар ўтказиш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, шартномалар имзолаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг йўналишлари ва ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» муҳбири.
Ёлқин ШАМСИДИНОВ (Ўза) олган суратлар.

Таҳлил ва талқин

Йил сайин касаба уюшма ташкилотлари тизимида амалга оширилаётган чора-тadbirkorлар қўлами тобора кенгайиб бораётди. Буни касаначилик фаолияти билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Касаначилик — қулай меҳнат шакли

Жорий йил Навоий вилоятида 25 та корхона ва ташкилотда касаначилик меҳнатидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг 672 нафари билан меҳнат шартномаси тузилган.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят тармоғидаги «Навоийпахтасаноат» ХАБ, «Навоийдонмаҳсулотлари» АЖ, «Ун заводи» корхоналарида 61 нафар касаначилик фаолият юритаётди. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарти-

би ишбай тарзида белгиланган бўлиб, бу ижтимоий адолат мезонларига тўла мос келади.

Жамоа шартномасига асосан молиявий имкониятдан қелиб чиқиб, улар вақти-вақти билан рағбатлантириб борилади.

«Навоийдонмаҳсулотлари» АЖ касаначилик билан суҳбат курганимизда, корхона томонидан белгиланган бюрётмани бажариш учун зарур бўлган хомашё, бутловчи материаллар ўз вақтида етказиб

берилаётганлигини билдиришди.

Бирлашманинг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Феруза Раҳимованинг таъкидлашича, ҳар учала корхонада ҳам иш берувчи ва касаначилик мажбуриятлари меҳнат шартномасида ўз аксини топган. Улар дастлабки кириш ва даврий йўриқномалардан ўтказилган. Ҳар бир касаначилик меҳнат хавфсизлиги қоидалари ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш йўриқномаларидан хабардор.

Бир сўз билан айтганда, касаначиликга муносиб иш шароитларини яратиб бериш, турли касб касалликларидан ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини фаолиятга жорий этиш борасида қилинаётган сый-ҳаракатлар ўз самарасини бераётди.

Диларфўз ҲАҚИМОВА,
«Ishonch» муҳбири

Хотин-қизлар манфаати касаба уюшма эътиборида

Жамоа шартномаси — ижтимоий ҳимоя омили

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида бўлгани каби Сирдарё воҳасида ҳам улкан янгилинишлар, ўзгаришлар рўй берди. Бир пайтлар фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан чекланган ҳудудда бугун саноатнинг бир неча турлари изчил ривожланаётди. — Ҳозирги кунда юртимизда 90 дан ортиқ мамлакатимиз хорижий капитал иштирокида 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Аиниқса, мамлакатимизда Хитой капитал иштирокида ташкил этилган 650 дан ортиқ корхона мавжуд. Бизнинг «PENG SHENG» қўшма корхонамиз ҳам ана шундай корхоналардан бўлиб, тайёр маҳсулотлари жаҳон бозорига муносиб ўрин эгалламоқда, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Гофур Аҳмедов.

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши томонидан вилоятдаги бир неча корхона ва қўшма корхоналарда аёллар учун яратилган шароитлар ҳамда жамоа шартномалари орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси қай даражада таъминлангани ўрганиб чиқилди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Аиниқса, «PENG SHENG» қўшма корхонасида бу борада амалга оширилаётган ишлардан қониқш хосил қилинди.

2010 йилда ўз фаолиятини бошлаган ушбу қўшма корхонада аини пайтда 1300 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Уларнинг 424 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳар бир ходим билан меҳнат шартномалари тузилган. Корхонада мобил телефонлар, кафел, оёқ кийимлари, сантехника асбоблар, ҳайвонлар ва қушларга озуқа ишлаб чиқарилади. Шунингдек, терига ишлов ва ранг бериш амалга оширилади.

Корхонада касаба уюшма қўмитаси ва хотин-қизлар комиссияси фаолиятдан барча мамнун. 7 та цехнинг ҳар бирида хотин-қизлар комиссияларининг бўлимлари тузилган бўлиб, аёлларга яратилган шарт-шароитлар комиссия назоратида.

2014 — 2016 йиллар учун жамоа шартномаси ўзбек, рус, хитой тилларида тузилган ва экспертизадан ўтказилган. Жамоа шартномасига «Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан маъгул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва қаролатлар» бўлимлари киритилган. Жамоа шартномаси орқали ҳомилдор, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, ўн икки ёшга

тўлмаган икки ва ундан ортиқ болали ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бўлган ҳамда ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган оналар, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун имтиёзлар берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, иш жойлари қисқартирилаётган аёллар учун қўшимча имтиёзлар берилиши, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга 1 соатга қисқартирилган иш кунини белгилаш, болали аёлларнинг бола 3 ёшга тўлгунга қадар парваришлаш таътилида бўлган вақти меҳнат стажига қўшилиши иш берувчининг мажбуриятларига киритилган ва ижроси таъминланмоқда.

Жамоа шартномаси орқали хотин-қизларга барча қулайликлар яратилган. Ишловчи аёллар махсус кийим-бош, шовқин ва чангдан ҳимояловчи воситалар билан тўлиқ таъминланган. Мобил телефон цеҳида ишловчи ходимларга ҳар соатда 15 дақиқа танлафуфус ва сут маҳсулотлари берилади.

Корхонада бир йўла 750 киши оқватланадиган ошхона ишлаб турибди, ходимларнинг оқватланишлари учун бир йилга 100 млн. сўм маблағ ажратилган. Хотин-қизлар ҳар йили бир марта корхона ҳисобидан тиббий кўриқдан ўтказилади. Фаолият ўрганиш кунинда 5 нафар тиббий мутахассис томонидан замонавий тиббий ускуналар орқали хотин-қизларнинг тиббий кўриги ўтказилаётганлиги кузатилди. Бундан ташқари, хотин-қизлар учун кийиниш, гигиена, душ хоналари ташкил этилган. Барча зарур

дори-дармонлар билан таъминланган тиббиёт хонаси фаолият кўрсатмоқда. Ходимлар ишга қелиб-қетиши учун махсус микроавтобуслар ажратилган.

Корхонада ходимлар спорт билан шуғулланиши учун волейбол, баскетбол, футбол майдонлари, теннис корти, шахмат-шахка хоналари, бассейни ишлаб турибди. «Маънавият хонаси» талаб даражасида жиҳозланган. Ходимлар ўртасида маънавий-маърифий тadbirkorлар белгиланган режа асосида ўтказилади. Ишчи-ҳодимларнинг Тошкент шаҳрига, республикамизнинг тарихий қадимжоларига саёҳатлари уюштирилаётди.

Эътиборли томони шундаки, 32 гектарлик корхона ҳудудида ишлаб чиқариш биноларидан ташқари катта боғ ташкил этилган. Бу ерда 18 нафар боғбон хизмат қилади. Боғда ишчи-ҳодимлар учун узум, олма, олча, ўрик, гилос, олхўри каби мевалар, помидор, бодринг, булғор қалампир, картошка, сабзи, пиёз, мош, қарам, ловия каби полз экинлари етиштирилади. Иссиқхона ҳам бўлиб, унда лимон ва мандарин етиштирилаётди.

Шу билан бирга, корхона даромадлари ҳисобидан тузилган «Саховат» хайрия жамғармаси томонидан эҳтиёжман ходимларга бегараз моддий ёрдам, ходимларнинг тўймаъракаларида бир ойлик иш ҳақи миқдориди ёрдам пули бериш йўлга қўйилган.

Корхона маъмурияти Сирдарё туман саноат коллежи билан шартнома имзолаган ва шу асосда ҳар йили коллеж битирувчиларини ишга қабул қилади.

Бундан ташқари, аҳолини иш билан таъминлаш учун тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан кенг ҳамкорлик алоқалари муштарак мақсадларга хизмат қилмоқда. Умумхалқ байрамлари муносабати билан маҳаллаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалари «Саховат» хайрия жамғармаси ҳисобидан рағбатлантириб боришмоқда.

Шу кунларда корхона маблағлари ҳисобидан 10 гектар ер майдонига туман аҳолисининг маданий дам олишлари учун экопарк қурилиши амалга оширилмоқда.

Маҳмуда МУРЗАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши аъзоси

Меҳнат муҳофазаси

Интерфаол усул самараси

Ҳақиқий касб фидойиси изланишдан, янги мақсад ва марралар белгиланган тўхтамайди. Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофазда қилиш бўлими томонидан ўтказилаётган ўқувда қатнашаётган 120 нафардан зиёд тингловчи ҳам, айтиш мумкинки, ана шу ақидага риоя этаётганлар сирасига кирди.

«Меҳнатни муҳофазда қилиш бўйича сайланган вакилларнинг малакасини ошириш бўйича тузилган Намунавий ўқув дастури» асосида уюштирилган 2 кунлик ўқувга мавжуд йирик бешта тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги корхона мутахассислари жалб этилди.

— Мазкур ўқувнинг амалий фойдаси бениҳоя катта, — дейди Уйчи туман маъийш хизмат касб-хўнар коллежи меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Солиқ Қаҳоров. — Аввало, соҳага

оид қонун ҳужжатлари мукаммал шакллантирилган базасига, норматив ҳужжатлар жамланган услубий қўлланмаларга эга бўлди. Асосийси, янги тизимда ишлаш афзалликлари ҳақидаги тушунчаларимиз кенгайди, қолаверса, олдимизда турган муаммоларга мунозаралар давомида ечим топдик. Зеро, биздан масъулият талаб қилаётган ушбу юмушнинг хавфсиз меҳнатни таъминлашдаги ўрни бекиёс.

Дарвоқе, ўқув бирлашма биносида замонавий жиҳозланган ўқув хонасида ўтказилаётган ўзига хос қулайлик бўлиб, ўқув жараёни интерфаол усулда, тингловчининг ёдида қоларли тарзда ташкиллаштирилмоқда.

Мирзаномир ҚОРАБОЕВ,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

ЖАРАЁН

Ќ(1).

Мустақиллик йилларида иқтисодий-иқтисодий қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани кенг кўламли иқтисодий ислохотларимизнинг амалии самарасидир. Юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, суг ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилишига эришилди. Шундан даяр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, суг ва суг маҳсулотлари — 1,5 қарра, картошка — 1,9 марта, сабзавот — 2,6 баробардан ортқ, мева 6,3 марта кўпайгани озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори бўлди.

тимой ислохотларни босқичма-босқич, тизимли равишда изчил олиб борилиши натижасида мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик сақланиб, одамларнинг эртанги кунга ишончи ошиб бормоқда. Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ҳар йили давлат бюджети кўриб чиқилади. Унга кўра жорий йилда ҳам ижтимоий соҳага давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизидан кўпроқ маблағ ажратилди. Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимида 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди. Иқтисодийнинг муҳим тармоқларида юз бераётган ислохотлар билан бир қаторда соғлиқни сақлаш, таълим, санъат ва маданият, жисмоний тарбия ва спорт



Уш суратлари

йўналтирилган ва энг аввало, жамият манфаатларига қаратилган бозор иқтисодиётига ўтилди. Шундан келиб чиқиб аҳолининг давлат ва жамият томонидан кўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатига йўналтирилган сиёсат юритиш орқали иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлиги оширилди.

Мамлакатимизда 2015 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди.

Аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминлаш даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди. Ҳозирда ушбу товарларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, ҳар 100 оиланинг 42 таси энгилли автомобилларга эга бўлиб, бу беш йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, ҳар 100 оиланинг 47 таси шахсий компьютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оилга 234 та мобил телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда.

Муҳим маълумот сифатида қайд этиш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли қилаётган таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индексо бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, юртимиз 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди. Бир ҳақиқат ҳеч қачон ёдимиздан кўтарилмаслиги керак. Биз йилгирма беш йиллик мустақил тараққиёт йилимида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, бунинг негизида, аввало, тинчлик ва оқсоқилликни сақлаб, дўстлик ва ҳамжихатликни улуғлаб, ёш авлодини шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассамдир.

Феруза ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ АХБОРОТ ХИЗМАТИ»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик ҳўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» ижодий танловини эълон қилади. Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот — 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябргача давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча ҳаволаларни тақдим этган ҳолда, вазирликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг фамилияси, исми, шарифи, ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

ТАНЛОВ ОЛТИТА НОМИНАЦИЯ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИ:

- йилнинг энг фаол ахборот хизмати;
- йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;
- энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий сайти;
- йил кашфиёти;
- маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этганлиги учун;
- журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати. Номинациялар бўйича танлов ҳужжатлари рўйхати:

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳбари — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг фамилияси, исми, шарифининг ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Энг яхши расмий сайт — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий сайтининг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, веб-сайтга қўндиқ ташриф буюрувчилар сони, чоп этилаётган ахборотнинг гоёвий-бадий даражаси ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтда тил версияларининг ишлашини эркин усулда таърифлаш.

Йил кашфиёти — жорий йилда йирик жамоат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ахборот хизмати ходимлари ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари фамилияси, исми, шарифи матбуотда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар билан мулоқот самарадорлигини эркин шаклда таърифлаш.

Журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги механизми, масс-медиа вакиллари учун ўтказилмайдиган тадбирлар сони ва уларнинг иштирок этиш даражаси, шақлланган журналистлар пулининг мавжудлиги, журналистлар учун махсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган тарқатма материалнинг сифати, онлайн режимда ташкилот фаолияти ҳақидаги дайджестларнинг доимий равишда юритилишини эркин шаклда таърифлаш.

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари — танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳр босилган, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақами, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлдирилган бланкин ташкил этади.

Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида тайёрланган бўлиши ва босма, интернет нашр ёки веб-сайт кўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА СОВРИНЛАР:

Ғолиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади. Материаллар 2016 йилнинг 10 ноябргача «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» танловига қайди билан Тошкент шаҳар — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига юборилиши керак. Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

Фидойилик, ақлу заковат, мустаҳкам ирода

муваффақиятларимиз асоси бўлиб хизмат қилмоқда

Ижтимоий соҳа, хусусан, аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш ҳақида гап кетар экан, мамлакатимизда бу борадаги қонунчилик асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади. 1991 йилдаёқ «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»-ги ва бошқа шу каби қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий йўналишдаги ўзгаришларнинг мустаҳкам асоси бўлди.

Мазкур қонун ҳужжатларининг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши, ҳар йили давлатимиз бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялаштиришга сарфланаётгани ҳамда иж-


каби ижтимоий соҳаларда ҳам бозор иқтисодиётига хос ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида аҳоли учун таълимнинг мутлақо янги миллий моделини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда.

Давлатимиз ёш авлодининг жисмоний соғлом, руҳан тетик, интеллектуал жиҳатдан етук бўлиб камол топиши, ҳар томонлама билим олиши ва касб эгаллаши учун барча имкониятларни яратмоқда. «Таълим тўғрисида»-ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг тобора жадал ривожланиб бораётган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун зарур мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган ўзига хос тизими яратилишига эришилди. Энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий мактаблар, лицей ва касб-хунар коллежлари бунёд этилди.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлган халқимизнинг соғлигини сақлаш мақсадида 2015 йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди. Қишлоқ врачлик пунктларини оптимallasштириш, замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Тиббиёт соҳасида олиб бориладиган чукр ислохотлар натижасида аҳоли ўртасида умумий ўлим, турли хил хасталиклар билан касалланиш даражаси кескин камайишига эришилди. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриши 6,5 йилга кўпайди (67 ёшдан 73,5 ёшгача), аёлларнинг ўртача умр кўриши — 75,8 ёшга етди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омилли бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирга қадар вилоят, шаҳар ва туманларда 300 дан зиёд мусика ва санъат мактаблари, 1900 дан зиёд спорт иншоотлари қуриб фойдаланишга топширилди. Натижадан, болалар ва ўсирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга ошишига эришилди. Биргина ўтган йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спортини иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш доирасида умумий қиймати 225 миллиард сўмдан ортқ 35 та намунавий спорт объекти, 12 та сузиш ҳавзаси, 174 та мактаб спорт зали фойдаланишга топширилди.

Дунё таърибисини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, халқимиз менталитетини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий



РЕКЛАМА

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги Вазирлиги 8-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан қайта очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

1. «Камаш туманидаги Қашқадарь ўзанидан Кулоқчи насос станциясига сув келтирувчи каналга сув чиқарувчи дамбани дарёдан келадиган тошқин сувларидан ҳимоялаш мақсадида реконструкция қилиш». Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 488.443.968 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 407.036.640 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 5 ой.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги Вазирлиги 8-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Манзил: Қарши шаҳри, Чапқирғок кўчаси, 1-уй. Телефон: (0-375) 226-12-40, 226-12-31.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларидаги факат «Қурилиш» пудрат ташкилотлари реестринга киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат берилади.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдоларида ферталар баҳолашиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устуник кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади, 500 млн. сўмгача бўлган объектлар танлов савдолари кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк қафолатнома-сига, ишлар (хизматлар)ни баҳаршиш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таърибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимизда ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этишга, уларнинг танлов тақлифлари баҳолашганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари қўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларидан четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитекстурилик» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шақллантириш Қашқадарь вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин. **Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси 60-А» уй. Тел./Факс: (0-375) 223-18-80, 223-19-11.**

Бир тўлдам танлов ҳужжатларининг нархи — 90000 сўм.

Тақлифлар (ферталар) савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати ферталар очилиши кўни ва соати.

Тақлифлар (ферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда, Қарши шаҳри, Чапқирғок кўчаси, 1-уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Миллий матбуот марказида

Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз

Ўтган йили Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш бўйича танлов ўтказганди. Унда «Жамият» газетаси тахририяти «Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз» лойиҳаси билан иштирок этди ва ушбу лойиҳа давлат ижтимоий буюртмаси сифатида молиялаштирилди.

Лойиҳа доирасида «Кексаларимиз» — бебаҳо бойлигимиз танлови ўтказилди. Ушбу танлов орқали, энг аввало, мустақиллик йилларида эришилган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, бағрикенглик

каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбаъшарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамлашиб бораётганига яна бир бор ургу берилди. Бунда нурунийларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этиши ҳамда кексалар юртимиз файзи эканини ёш

авлод қалбига синдиришга йўналтирилган материаллар чоп этилди.

«Жамият» газетаси тахририяти томонидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ижтимоий шериклик асосида амалга оширилган мазкур лойиҳа якунига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Танлов ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«Ishonch» мухбири

Кафолат — тараққиётга қанот

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилмайдиган хизматлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда сугурта соҳасида 1994 йилда ташкил этилган компаниянинг ўтган даврдаги фаолияти натижаси ўлароқ халқаро ва миллий сугурта бозоридан тугган ўрни хусусида атрофлича сўз юритилди.

Ҳозирда сугурта бозорининг ривожланиши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада барқарорлаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга асос бўлмақда. Хизматларнинг кенг спектри, фуқаролар соғлиги, уларнинг мол-мулки сугуртаси, иш беворачининг фуқаролик жавобгарлиги, транспорт воситаларининг эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги сугуртаси бўйича сугурталовчиларнинг кенг тармоғи фаолият юритмоқда.

Шунингдек, компания кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида янги сугурта бўлимадарини очиб ва республика ҳудудларида фаолиятини кенгайтириш борасида доимий иш олиб бормоқда. Айни пайтда 14 та ҳудудий филиал ва 145 та бўлима орқали бутун республика бўйлаб ўз хизматларини тақдим этиб келаётир. «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш», «Бахтсиз ҳоли-

салардан сугурталаш», «Тиббий сугурта», «Мол-мулк сугуртаси» каби 10 турдаги сугурта махсулотини интернет орқали сотиб олиш каби имкониятлар яратилган.

Бундан ташқари, фаолиятини янада такомиллаштириб, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижросини тезкор таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида янги сугурта махсулотларини ишлаб чиқиш борасида доимий иш олиб бормоқда. Айниқса, республиканинг 2016 йилдаги Инвестиция дастурига киритилган 46 та лойиҳага умумий қиймати 15 трлн. сўм сугурта химояси тақдим этилгани соҳа фаолиятининг саломогини белгилайди.

Тадбир якунида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Сулаймон ХАЙДАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Мустақилликнинг олтин саҳифалари

маданий-маърифий учрашувларнинг бош мавзусига айланмоқда



❖ (1).

Тарғибот гуруҳи аъзолари ҳамда аҳоли вакиллари Лочинбек Абдурахимов раҳбарлик қилаётган «Асака гринярд» фермер ҳўжалигининг интенсив олма боғи мисолида деҳқонларнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари билан танишдилар. Ер илми билимдонларининг фидойилиги, захматли меҳнатларига тасаннолар айтилди.

Марҳамат тумани Полвонтош қишлоғидаги тадбирлар ҳам ёдда қоларли бўлди. Одамларнинг руҳи тетик, кайфияти кўтаринки. Ватан мустақиллигининг 25 йиллик шодиёнаси ҳар бир қалбда ифтихор туйғусини жўшурди. Мустақил тузум даврида меҳнат қилиб қосаси оқармаган, ўзи етиштирган ҳосилдан бебаҳра қолган деҳқонлар бугун Полвонтош адирлари бағрида дуру гавҳар ундирётди. Фалла ҳосилдорлиги, сар-



хил меваларга тўла боғлар эл дастурхонига қут-барака келтирмоқда. Марҳаматнинг содда ва самимий одамлари санъатни, фозилу фозалар сўхбатини хуш кўради. Шунинг учун ҳам бу ердаги мулоқот ҳамда концерт дастурлари файзли ва шуқулли ўтди. «Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» деган ҳақли саволга ҳаётини мисоллар орқали жавоб изланди.

— Мустақиллик менга нима берди, деб эмас, мен мустақилликка қандай ҳисса қўшдим, деган саволни бугун барчамиз тафаккурдан ўтказяймиз, — дейди таниқли адиб Қамчибек Кенжа. — Истиқлолнинг буюк неъматини тинчлик-осойишталикда, шунинг баробарида хотиржамлик ва тўқчиликда эканини англаб етдик. Бу қутлуғ кунларга шуқрона келтирмоқ ҳам қарз, ҳам фарзидир.

— Юз ёш билан юзлашиш арафасидаман, — дейди Избоскан туманида умргузаронлик қилаётган Хайрихон ая Юсупова. — Шундай дориламон кунларга етказгани учун шуқроналар айтяпман. Тадбирда ўзим суйган санъаткорлар билан бирга рақсга тушиб, анча яшаргандай бўлдим. Тинчлигимизга кўз тегмасин.

Эътиборли жиҳати, маданий-маърифий тадбирлар вилоятнинг ҳар бир ҳудуди — чека туман ва қишлоқларини ҳам қамраб олди. Беш кун давомида пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокидаги жонли мулоқотларда «Ким эдигу ким бўлди?» мавзусидаги роликлар, концерт дастурлари намойиш этилди. Унутилмас учрашувлар «Бу — менинг Ватаним, мен унинг фарзандиман. Шу юрт равнақи ва буюк келажаги йўлида меҳнат қилишга, эзгуликка интилишга ҳақлиман», дея қалб амри билан яшаётган андижонликлар ҳаётида ўчмас из қолдириши шубҳасиз.

Нурилло НЎЪМОНОВ, «Ishonch» муҳбири. Рустамжон Эшоннов олган суратлар

Спорт янгиликлари



Бобо ва бувилар ҳам беллашди

Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида «Биз ақл-идроқли оилалармиз» деб номланган мусобақанинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Маҳалла» фонди вилоят бўлими бошқаруви ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириши, ота-оналар, ўсмир ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда кўмакчи бўлиши билан аҳамиятга моликдир.

— Мусобақалар жараёнига барча маҳаллалар қамраб олиниб, шашка ва шахмат бўйича юқори ўринларни эгаллаган оила аъзоларининг фаол иштироки таъминланмоқда, — деди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бошқармаси раиси Икром Норбеков. — Эътиборлиси, ҳар бир оиладан 6 нафар қатнашчи, яъни бобо, буви, ота, она, ўғил ва қиз жалб қилинди.

— Ёшлигимда ота ва онам шахмат ёки шашка ўйнаса, кўзимни узолмасдим. Ушбу спорт турларига қизиқиш шу тарика уйғонган. Қайтар дунё экан, бугун фарзандларимнинг иштиёқи ҳам ортгандан ортиб бормоқда, — деди мусобақа қатнашчиси Қодир Жумуқов.

Кизиларли баҳсларда Бобуғ тумани, «Тинчлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Жумуқовлар оиласи, Гулистон шаҳридан «Баҳор» маҳалласи вакиллари Бегмановлар оиласи, Сирдарё тумани «Элобод» маҳалласидан ташриф буюрган Эргашевлар оиласи голиблар сафидан ўрин олишди.

Тадбирда вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси вакиллари ҳам қатнашиб, иштирокчиларга эсдалик совғалари тақдим қилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» муҳбири

Реклама

2016 йил 18 август кунин соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносидан очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қуйилади:

1. Ангор туманидаги «Ангор Агротехсервис МТП» МЧЖга тегишли бўлган; 2013 йилда ишлаб чиқарилган 6772 НБ давлат рақамли «Рита-210» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги ҳайдов тракторининг бошланғич баҳоси — 135 232 000 сўм.
2. 2013 йилда ишлаб чиқарилган 6771 НБ давлат рақамли «Рита-210» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги ҳайдов тракторининг бошланғич баҳоси — 153 263 000 сўм.

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар ҳайдов тракторлари билан «Ангор Агротехсервис МТП» МЧЖ вакили орқали танишишлари мумкин. Юқоридаги мулк 2016 йил 18 август кунин аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2016 йил 2 ва 19 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закатат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закатат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закатат пули тўғрисидаги келишувни» имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг «НАМКORBANK» АТБ Термиз филиали МФО: 01001, ИИН: 303477661, Х/П: 20208000100512709001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закатат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 1-хона. Телефон: (0-376) 223-25-55.

Хизматлар лицензияланган.

Соғломлаштириш

Оромгоҳда яйрар болалар

Узун тумани марказида жойлашган Холмуҳаммад Қулнйёзов номли оромгоҳ доврағини анча олисларда ҳам эшитишган. Таътилни мароқли ўтказиш учун Сурхондарёнинг барча туманлари, Термиз, ҳаттоки, Тошкент шаҳридан ўқувчи ёшлар ушбу сўлим масканга келганлиги ҳам бунини тасдиқлаб турибди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги оромгоҳни мавсумга тайёрлашга Узун туман халқ таълими фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими катта ҳисса қўшди. Ҳомийлик ёрдами эвазига спорт майдончалари, дам олиш хоналари, ошхона, душ, бассейни таъмирдан чиқарилди.

Айни вақтда оромгоҳда халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган илғор педагог ва ишчи-ҳодимларнинг 207 нафар ўғил-қизи мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Термиз шаҳридаги 12-«Меҳробонлик» уйининг 50 нафар тарбияланувчиси ҳам айни пайтда оромгоҳда дам олмақда. Болалар

ҳар хил машғулотлар, кўнгилочар уйинлар, қизиқарли мусобақалар билан кунини мазмунли ўтказишаётди. «Оқ-остона» бобо ҳазратлари зиёратгоҳига уюштирилган саёҳатдан улар мамнун. Спорт майдончаларида ташкил этилаётган футбол, волейбол, баскетбол, югурин, сакраш беллашувлари, шахмат, шашка мусобақалари, «Ким билагон?», «Ким кўп эртақ айтади?», «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» каби кўрик-танлов ва кўнгилочар уйинлар, ҳар хил виқториналар ёшларнинг саводхонлигини оширишга хизмат қилаётди.

Оромгоҳга «Олтин мерос» халқаро жамғармаси Узун туман бўлими раҳбари Тўйчи Қиличев томонидан ҳўл мевалар, полиз маҳсулотлари, шунингдек, турли салқин ичимлик ва шарбатлар ҳомийлик тарикасида берилаяпти.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» муҳбири



Бугун болалар ёзги дам олиш масканлари ҳар қачонгидан гавжум. Мириқиб дам олаётган, дўстлар орттириб, ҳар бир кунини кўнгилли ва мароқли ўтказяётган ўғил-қизларни кўриб ҳавасингиз ортади. Шундай оромгоҳларнинг бири Тахитатрош шаҳрининг соя-салқин гўшаларида жойлашган.

— Ҳар босқичда 120 бола ҳордиқ чиқарадиган масканимизда барча шароит яратилган, — дейди оромгоҳ бош тарбиячиси Альбина Алиева. — Болаларнинг қизиқиши, иқтидор ва қобилиятига қараб уларни мавжуд тўғаракларга жалб этганмиз.

Дарҳақиқат, тиқиш-бичиш, гилам, бисер ва бошқа тўқиш сирлари, музика тўғараклари, шахмат ва

шашка, стол тенниси, футбол, баскетбол секциялари ҳамиша гавжум.

«Танишув кечаси», «Эртақлар мамлакатига саёҳат», «Айдин жол маликаси», «Йигитлар султони», «Устозлар кунин» каби мавзулардаги қизиқарли тадбирлар ҳам дам олувчиларга манзур бўлмоқда. Кутубхона қошида ташкиллаштирилган «Китобсеварлар» тўғарига ўз ўқувчиларига эга.

Ёзги таътилни мароқли ўтказяётган ўқувчилар хузурида ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар давра сўхбатлари ўтказишаётди.

— «Айқулаш» ансамбли ташкил этган концерт дастури нафақат болажонларимизни, балки биз катталарни ҳам хурсанд қилди, — деди марказ директори Георгий Ли. — Шундай учрашувлар таасуроти ўғил-қизларимизни йил давомида тарқ этмаслигига ишонаман.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Қамолот» ЁИХ ҳодимлари томонидан уюштирилаётган ҳарбий-спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар голибларини муқофотлаш маросимлари тантанали тарзда ташкил этилаётди.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» муҳбири

«Касаба маликалари»

Урганч Олимпия захиралари спорт коллежида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган мусобақа ташкил этилди. «Касаба маликаси» номи остида кечган Урганч шаҳар очик биринчилигида иштирокчилар стол тенниси бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказишди.

Меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, меҳнатқашларнинг ва болаларнинг ёзги таътил вақтини мазмунли ташкил қилиш каби эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган мазкур беллашув иштирокчиларда катта таасурот қолдирди.

Яқуний натижаларга кўра 15 ёшгача бўлган қизлар ўртасида О.Матризаева, К.Зарипова ва Ф.Матризаева совринли ўринларни кўлга киритди. 25 ёшгача бўлган ҳаваскорлар ўртасида Урганч маиший касбхона коллежи ўқитувчиси О.Абдуллаева, «Урганч Баҳмал» МЧЖ ҳодими М.Азимова ва «RED FLOWER»

МЧЖ тикувчиси Д.Бакиева кучли учликни ташкил этди. Катта ёшдагилар ўртасидаги баҳсларда Урганч Олимпия захиралари спорт коллежи ҳисобчиси Н.Хўжакова ва тарих фани ўқитувчиси И.Эрнафасова ҳамда Политехника касбхона коллежи ахборот ресурс маркази ҳодимаси Г.Машарипова шоҳсупадан жой эгаллади.

Мусобақа якунида иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ф.БОЛТАЕВ, тармок ҳодимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

MUASSIS:



2007-йил 11-январда O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonchdan olingan ma'lumotlarda maraba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflari fikri tahririyat nuqtayi nazaridan foydalanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Abdullayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhirlar: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Boshiga topshirish vaqti — 21:30
Topshirdi — 21:50

1 3 4 5 6

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalovchi.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma T — 715. 14075 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133
Tahririyat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Inpoxeta bank» Yashobod filiali, bank kodi: 00959, CTIP: 201133899, OKONX: 87100